Мижельская Галина Михайловна — Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти катта гидрогеолог.
Панченкова Любовь Александровна — «Узбекистон ССР Геология» министрлиги катта инженери.
Рихиев Турғун Ахмаджонович — «Ташкентгеология» бирлашмаси бош метрологи.
Симоенко Инна Александровна — Нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси институти катта илмий ходими.
Стрижанин Григорий Васильевич — «Краснохолмскгеология» бирлашмаси слесари.
Сюткин Анатолий Николаевич — «Краснохолмскгеология» бирлашмаси марказий устакхона слесари.
Туниши Николай Макарович — «Гидрогеотехника» конструкторлик бюроси группа бошлиғи.
Шенетко Людмила Ивановна — «Ташкентгеология» бирлашмаси куриш-монтаж бошқармасининг буювчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАВИЛИ.
Москва, Кремль. 29 апрель, 1986 йил.

ЭРТАГА—МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ



ЯХШИ ИШЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИККА БОҒЛИҚ

САЛОМАТЛИКНИНГ бебахоллиги ҳақида қанчалар аниқ ноб фикрлар айтилган. Шулар орасида А. Шпенгауэрнинг «Бахтимизнинг ўндан тўқиз улуши соғлиғимизга боғлиқ» деган сўзлари менда ўзгача таассурот қолдиради. Ҳақиқатан ҳам агар инсон тани сийҳат бўлмаса на роҳат, на фароғат гапшани ҳис эта олади.
Хўш, ана шу саломатлик масаласи област соғлиқни сақлаш системасида қай даражада қўйилган? Унинг посбонлари ўз бурчларига садоқат билан хизмат қилаятиларми? Касаликларни аниқлаш, даволашдаги ютуқ ва камчилиқларимиз нималардан иборат? Моддий баъзимизнинг аҳоли қандай?
Эл соғлиғи йўлида тиним билмай хизмат қилаётган 18 минг нафар ҳамширадан иборат областимиз нажоткорлари отрядини эртага бўладиган байрамлари билан чин дилдан нўтлаган ҳолда, юқоридаги саволлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчиман.
Кейинги йилларда област соғлиқни сақлаш тармоғи сезиларли даражада кенгайди. Биринча ўтган йилнинг ўзида 370 койкали 5 та касалхона, смена давомидан 610 беморга хизмат кўрсата оладиган 2 та поликлиника, 2,5 минг порцияли сут таомлари ошхонаси ва қатор медицина, фельдшерлик-акusherлик пунктлари қурилди. Наркология кардиология диспансерлари

фойдаланишга топширилди. Област соғлиқни сақлаш бўлими янги шифохоналар қуриш билан бирга, мавжудларини қайта жиҳозлади. Шу тарихда даволаш муассасалари 2 миллион сўмликка яқин медицина техникаси билан таъминландилар. Дориндорлар ва бошқа медицина буюмларига сарфлаган маблағ 15,5 миллион сўмни ташкил этди. Бу тадбирлар сезиларли самаралар берди. Беморларга 35 ихтисослик бўйича медицина хизмати кўрсатила бошланди.
Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишга тиббий хизмат этибор кўзайтирилди. Шифокорлар партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган вазифалар асосида саноят, қурилиш ва транспорт тармоқларида, экономиканинг бошқа соҳаларида банд бўлган ишчилар соғлиғини сақлаш йўлида астойдил хизмат қилмоқдалар.
Шаҳар ва қишлоқларда олиб борилган профилактика тадбирлари туфайли оналик ва болаликни муҳофизат этишда бир мунча ютуқлар ҳақида эришилди. Юқумли касалликларнинг тобора камайиши, атроф-муҳитни муҳофизат қилиш борасидаги ишларга ҳам шифокорлар саломатлиги ҳисса қўшиб келмоқдалар. Кейинги йиллар ичида давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа — аҳолини диспансеризациядан ўтказишга областдаги ҳар бир даволаш муассасаси коллектив алоҳида этибор билан қараётганлигини эътироф

этиш керак. Биз шаҳар ва районларгагина эмас, марказлардан анча олинса жойлашган аҳоли пунктларида, узок яйловларда ҳам диспансеризация ишини йўлга қўйдим.
Област соғлиқни сақлаш ходимларининг ичкилибозликка қарши курашини авж олдиришдаги илк тажрибали ҳам оммалаштиришга лойиқ деб, ўйлайман. Бунда област санитария маорифи уйи ва унинг жойлардаги идораларини узоқоқлик кўрсатдилар. Бу жойларда алкогольизм бўйича лекторлар тайёрланган қисқа мундарижлар курслар очилди. Қурани тутатганлар ишлаб чиқариш корхоналарида, колхоз ва совхозларда, муассасаларда ичкилибозликнинг зарари ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Ҳар бир тадбир алкоганизмининг иллат эканлигини фойда этувчи ҳужжатли фильм билан мустаҳкамлаб берилади.
Ана шундай йиғилишларда таниқли мутахассис-врачлар, шифокорлар билан қишлоқларни йўлга қўйиш ҳам қишлоқларга натижалар берди. Мен бу ўринда областимиз медицина ходимларига изчил ёрдам бериб келаётган таниқли кардиолог-профессорлар Рауф Абдуллаевич Абдуллаев, Карим Йўлдошевларнинг номини алоҳида тилга олмақчиман. Улар бевосита шифохоналарда бўлиб, врачлар малакасини оширишга ёрдам бердилар, даволаш ишларига қўмақлашдилар.

ШИФОХОНА ПАЗАНДАЛАРИ КОНКУРСИ
МЕДИЦИНА ходимлари байрами шарафига област касалхонасида бўлиб ўтган шифохоналар пазандаларининг конкурсида янги йўл шаҳар касалхонасининг пазандаси Халима Иброҳимова ҳамда област онкология диспансерини ошпази Тамара Убайдуллаевалар биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаб, голиб чиқиди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида эришган ютуқларимиз оз эмас. Аммо, ишда рўй бераётган камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Хали қатор медицина муассасаларининг ишидан аҳолининг кўнгли тўлмапти. Айниқса, Чирчиқ шаҳар, Янгийўл районидagi айрим медицина шохчаларида беморларга нисбатан қўполлик, лойқадлик, уларнинг ариза ва шикоятларига эътиборсизлик ҳоллари содир бўлмоқда.
Оналик ва болаликни муҳофизат этишда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд.
Баъзи касалхоналар, поликлиникалар таниқ-билишчиликка, «қўлга» қараб хизмат кўрсатиш, бир-биридан албатта манфаатдорликни қўзғалаган ҳолда иш юритиш каби салбий ҳолатлардан батамом қутулганларича йўқ. Сўнги ойлари ичида бизга ва бошқа идораларга тўшаётган шикоят хатлари ана шу жойларда иш «орқата» қараб кетаётганлигини кўрсатмоқда.
Биз бундай камчиликларга ҳозиржавоблик билан зарба беришимиз зарур. Шифокорлик қасамидега, врач деган юксак номга доғ туширишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.
КПСС XXVII съезди қарорлари асосида бутун мамлакатимизда яратувчиликнинг янги босқичига дадил қadam қўйилди. Қўп соҳаларда ту бўрилишга интилиш, бутунни кун руҳи ва талаб билан ишлашга ўтишмоқда. Партия белгилаган йўл медицина ходимлари учун ҳам тула дахлдор эканлигини, фаолиятимизда тезда самарали ўзгаришлар ясаб ҳамма жойда даволаш — профилактика хизматини сифатли йўлга қўйиш зарурлигини доимо ёйда тутамиз.

Р. СУЛТОНОВ, област соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг уринбосари.

Кейинги йиллар мобайнида Янгийўл шаҳрида соғлиқни сақлаш муассасалари моддий базаси мустаҳкамлангани ва шифокорларнинг малакаси кадрлар билан таъминлангани туфайли даволаш-профилактика ишларида анчагина ишқобил кўрсатилганга эришилди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишда шаҳар марказий поликлиникаси нажоткорлари ҳам сиқидилар, кўрсатмоқдалар. Суратда: поликлиника шифокорларидан бир гуруҳи.

ВETERАНЛАР РАҲМАТ АЙТИШМОҚДА
ТОШКЕНТ шаҳридаги 14-поликлиника ходимларида Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари мамун. Нажоткорлар кексаларга хизмат кўрсатишда хушмуомаллик ва ҳозиржавоблик билан уларнинг муаммоларини ҳал қилишда ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.
Даволаш муассасасининг бош врач Раҳим Қодиров, унинг уринбосари Вера Шагаровалар бу ерда меҳнатқилларга катта қўлайликлар яратиб беришган. Беморлар эрталаб соат санжизда бошлангач 21 гача уларга зарур ердани бемалол оладилар. Уларга 53 нафар шифокор ўз ихтисоси бўйича хизмат кўрсатмоқда. Шанба ва яшанба кунлари эса поликлиникада навбатчи гуруҳи ишлайди.
Шифохона жойлашган территорияда аҳоли медицина фаилари доктори, профессор Омонилла Баҳодиров, доцентлар А. Фозил, С. Исмаҳамедовлар ҳам минималдор. Бу етук мутахассислар вақти-вақти билан беморлар учун консултациалар ўтказадилар, маҳалларда бўлиб, санитария-гигиена мавзуларида суҳбатлар ташкил этадилар.
Биз аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида маҳалларда мунтазам уршувлар уюштириб турамиз, — дейди участка врач С. Дадамухамедова, — шундай давларларда бирида кексалар оммавий медицина қургиндан ўтказилди. Шу кун С. Абдурамонов, С. Ахтемова, А. Слеванов, В. Аристов, Қ. Мавлюхужаев каби ветеранлар юксак гамхўрлик учун жонқур нажоткорларга раҳматлар айтдилар.

Т. МУЛЛАБОВ.

Халқаро Ҷаём СЪЕЗДА ТАЙЁРГАРЛИК

ВАРШАВА, 12 июнь. ТАСС мухбири Александр Потёмкин хабар қилади: Польша Бирлашган ишчи партиясининг яқинлашиб келаятган X съезидга тайёргарлик якуловчи босқичга кирибди. Завод ва давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида, ҳарбий қисмлар ва олий ўқув юрталарида Польша коммунистлар бўлажак анжумани делегатларининг меҳнат коллективлари ва партия ташкилотлари билан учрашувлари ўтмоқда.
ПИБнинг программасининг лойиҳаси съезддаги учрашувлари қатнашчиларининг диққат марказида турибди. Польша коммунистларининг социализм қурилиши ишидаги асосий вазифалари ана шу ҳужжатда кўрсатиб берилган, мамлакатни социал-иқтисодий ри-

вожлантиришнинг йўналишлари белгилаб берилган. Меҳнатқиллар ПИБИ сийсий йўлини қўллаб-қувватлаб, иқтисодий ва социал муаммоларни ҳал этишга қаратилган конкрет тақдирлар ва тақдирий мулоҳазаларни билдирмоқдалар. Партия программаси лойиҳасида белгилаган вазифаларнинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан Польша барча меҳнатқилларнинг куч-қайратларига боғлиқ, деб таъкидланади съезд делегатларининг Лодзи ишчилари билан учрашувидан. Ижодий меҳнат қилиш учун, ишлаб чиқариш коллективларининг активлигини ва ташаббускорлигини ошириш учун барча шарт-шароитлари яратиб бериш керак, дейишди улар.
Қўлгина корхоналардаги

коммунистлар Совет Иттифоқи билан, бошқа — социализм мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш Польша экономикасини мустаҳкамлаш учун доимий аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар. Бевосита ишлаб чиқариш лойиҳаларини, Совет Иттифоқидаги шериклари билан мустаҳкам кооперацияни тақомиллаштириш сановини модернизациялаш учун, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш учун кенг имкониятлар очиб беради.
ПИБИ Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида таъкидлангандек, партия X съезиди делегатларининг меҳнат коллективлари билан учрашувлари мамлакат ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолди.

ЭРОН—ИРОҚ ФРОНТИДА
♦ БАҒЛОД, 12 июнь. (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг навбатдаги ахборотда фронтнинг марказий участкасида Эрон бўлимагарининг ҳужуми қайтарилганлиги хабар қилинди. Фао секторда Ироқ қўшинлари 8 та бункерни, пулемёт позициясини, ўқдор омборини ва қузатув постини яқсон қилганлар, бир неча Эрон солдатлари ўлдирилган. Майсан сектори шарқдаги участкаларда ҳамда «Дажла дарёси шарқинида», шунингдек, Басренинг шарқдаги районида бўлиб ўтган маҳаллий аҳамиятга молик жанглар давомида Эрон томонига

шиқаст етказилган.
Эрон артиллерияси Ироқнинг бир қанча аҳоли пунктларини ўққа тутган.
♦ НИКОСИЯ, 12 июнь. (ТАСС). Эрон бомбардимончи самолётлари, деб хабар қилади Эроннинг ИРНА агентлиги, Фао районида тўпланган Ироқ қўшинларини бомбардимон қилиб уларга сезиларли шикаст етказди. Фронтнинг жанубий участкасида Эрон артиллерияси Ироқ позицияларини ўққа тутди. Агентлик бутун фронт чизиги бўйлаб вақти-вақти билан жанглар ва артиллерия отинималари давом этиб турганлигини хабар қилди.

♦ Германия Федератив Республикасида қуролланган ядро полиция бўлимига қарши намоий қўтарган Ванкесдорф шаҳридаги тинч аҳолидан шафқатсизларча ўқ ояпти. Намоий қатъийликларга нисбатан полициячилар ҳар хил қийинча ва алов-ўқубат берувчи весталарни ишга солмоқдалар. Натияжада тинч аҳолидан 200 дан ортиқ киши оғир жароҳатланди, улардан қўплари оғир аҳолида. Суратда: намоий иштироқчилардан бирини қамқоқ олиш пайти тасвирланган.
АП—ТАСС телефотоси.

ТЕЛТАЙП ЛЕНТАСИДАН

♦ ВАРШАВА. Бугун Кракোьда очилган халқаро илмий конференция қузов корхонасида ҳисоблаш техникасини қўлланш масалаларига бағишланди. Конферен

ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИДА

НИМА, ҚАЧОН, ҚАЕРДА?

Областимиз шаҳар ва рай... онларда меҳнатқошларнинг дам олиш кунларини мароқлик ва мазмунли ўтказиш мақсадида шанба ва якшанба кунлари қатор спорт мусобақалари ва маданий тадбирлар уюштирилади.

ТОШКЕНТ. Бугун «Текстильчи» стадионда регби бўйича Бутуниттифоқ турнири мусобақалари бошланади. Унда Новокузнецк, Красноярск, Тбилиси, Қозғиёт, Ўзбекистоннинг Гагарин ҳамда Тошкент шаҳри командалари иштирок этишади. Мусобақалар соат 10.00 да бошланади.

«Старт» стадионда шанба ва якшанба кунлари Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlашмаси командалари ўртасида футбол ҳамда

волейбол бўйича ўртоқлик учрашувлари, шунингдек, спортнинг ўн тури бўйича саломатлик спартакиадаси ўтказилади.

АКМАЛ ИКРОМОВ район маданият ва истироҳат боғида район бадий ҳаваскорлик коллективларининг ёшлар учун «Она-Ватан оҳанглари» театрлаштирилган мусиқалӣ программаси намойиш этилади. Шунингдек бу ерда теннис, шахмат-шашка турнирлари ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

ОҚҚУРҒОН. Шанба ва якшанба кунлари «Ором» дам олиш зонасида медицина ходимлари кўнига бағишланган маданий спорт байрами ҳамда футбол бўйича

шаҳар биринчилиги мусобақалари ўтказилади.

УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ. Бугун «Северний мак» колхоз клубида соат 14.00 да ёшларнинг дам олиш кечаси бўлади. Унда колхоз бадий ҳаваскорлик коллективининг чиқиши, маҳорат конкурси, спорт мусобақалари ўтказилади.

Якшанба кўни Ким Пен Хава номи колхоз клубида медицина ходимлари кўнига бағишланган бадий ҳаваскорлик коллективларининг байрам концерти намойиш қилинади.

АНГРЕН. 14 июнда шаҳар кўчаларида велосипед спортини ҳафталигининг якунига бағишланган шаҳар велоспорт спартакиадаси мусобақаларининг финал кўсиби бўлиб ўтади.

«Спартак» стадионда «Ўзбекистон» трести кўриш ташкилотларининг волейбол бўйича биринчилиги ўтказилади.



7-14 июнь кунлари мамлакатимизда Бутуниттифоқ велоспорт ҳафталиги ўтказилди. Шу ҳафта давомида областимизда ҳам

қўлбал велосипед стартлари уюштирилди. Суратда: Тошкентдаги стартларнинг финал қисми. А. Зуфаров фотоси.



МЕКСИКАДА ўтказилган жаҳон футбол чемпионатининг сўнгги саралаш учрашувлари натижалари ҳам маълум бўлмоқда. 12 июнь кўни Бразилия — Шимолий Ирландия, Испания — Жазаир командалари ўзаро кўч синашдилар. Ҳар иккала учрашув ҳам 3:0 ҳисобида тугади. Ҳа группасида голд чиққан СССР терма командаси 15 июнь кўни Леонда Бельгия терма командаси билан учрашгани маълум бўлди. Жаҳон чемпионати ўйинларида СССР ва Бельгия командалари ўзаро кўч синашган. Жумладан, 1970 йилда Мексикада ўтказилган матчда командамиз 4:1 ҳисобида, 1982 йилда Испанияда эса 1:0 ҳисобида галабага эришган эдилар.

ИККИНЧИ ЛИГА СССР футбол чемпионати иккинчи лига еттинчи зона командалари ўртасида ўн бешинчи тур ўйинлари ўтказилди. Пешқадим ко-

мандалар — Фарғонанин «Нефтчи» ҳамда Халқободнинг «Соҳибкор» футболчилари бу турда ҳам галаба қозондилар. Фарғоналиклар ўз майдонларида Туркўлининг «Целинник» командасини қабул қилиб, рақиб дарвозасига 5 та жавобсиз тўп киритдилар ва 22 очко билан олдинда бормоқдалар. «Соҳибкор» эса Хива футболчилари устидан 1:0 ҳисобида галабага эришди ва 20 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. Лекин халқободликлар «Нефтчи»га наисбатан битта ҳам ўйин ўтказишган. Қўлган учрашувларда қўйилган натижалар қайд этилди: «Ешлик» — «Зарафшон» — 1:0, «Динамо» — «Геолог» — 1:0, «Автомобилист» — «Хоразм» — 3:1, «Олга» — «Вахш» — 3:0, «Олой» — «Сурхон» — 2:0, «Шахтер» — «Косонсойчи» — 2:1, «Янгиер» — «Пахтакор» — 2:1.

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИ Физкультура коллективлари командалари ўртасида футбол бўйича республика чемпионатининг режиктирилган ўйинларидан бири — «Бинокор» (Қишрай) — «Автомобилист» (Ургенч) учрашуви меҳмонлар келмаганлиги сабабли ўтказилмади.



Авал хабар қилганимиздек, пойтахтимиздаги темирўлчилар маданият саройида шу кунларда ВДЦСП, СССР Рассомлар союзи ва ВЛКСМ Марказий Комитети ташкил этган «Соғлом турмуш ва хуш ёрлик — ҳаётимиз қонун» деб номланган Бутуниттифоқ агитлакат кўргазмаси намойиш этилмоқда. Экспозицияда совет тасвирий санъатининг таниқли усталари яратган плакат ва нарисурлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Суратда: рассом В. Добровольскийнинг «Ишчи назорати» асари. А. Зуфаров фоторепродукцияси.

ҲАВАСКОРЛАР КЎРИГИ

Тошкент районидagi Собир Раҳимов номи колхоз клубида Улуг Октябрь Социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган II Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали программасига мувофиқ район бадий ҳаваскорлик коллективларининг кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Конкур-

да район ҳўжалик ва ташкилотларининг 15 дан ортиқ клубларининг ҳаваскор санъаткорлари иштирок этишди. Гулистон қишлоқ Совети қўшидаги 3-маданият уйи аъзоси О. Қўрбонов, Ленин номи колхоз драма тўғараги ва Карл Маркс қишлоқ Совети қўшидаги дорачилар ансамбли иккорта тасасурот қолдирди. М. ТУРОВОВ.

ФИЛЬМ-ДИПЛОМ ИШИ

БУТУНИТТИФОҚ кинематография Давлат институтининг режиссерлик факультетини тамомлаган бир гуруҳ ўш санъаткорлар ўтган шу қисқа вақт ичида бир неча қизиқарли ленталарини яратишга муваффақ бўлдилар. Улкан устозлардан поставовка қилиш сирларини ўрганган ёш ижодкор Санжар Бобоев эса студентлик йилларидаёқ ўз истеъдодини намойиш эта олди.

Ушанда у замонавий мавзуда фильм яратинга киришганди. «Хўжайин» деб номланган бу экран асари унинг диплом иши сифатида юқори баҳоланди. Ана шу ижод намунаси ёш режиссернинг дебют асари сифатида яқинда Тошкентдаги киночилар уйда муваффақиятли намойиш қилинди. С. ОДИЛОВА.

ҚИШЛОҚ СПОРТИ ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Бўстонлик районидagi «Хўжайин» совхозида футбол, волейбол, оғир атлетика, стол тенниси, шахмат ва шашка тўғарақлари мунтазам ишлаб турибди. Айниқса, миллий кўраш секциясида совхоз ишчилари қизиқиб шуғулланишмоқда. Мана бир неча йилдири,

совхоз полковлари районда биринчи ўрини эгаллаб келишяпти. Хўжалик ўзининг спорт соғломлаштириш комплексига эга. Деярли ҳар бир дала шийонлида волейбол, шахмат-шашка ўйнаш имконияти бор. Яқин ўртада Чим-

бойлик посёлкисида 400 ўринли стадион қўрилиши мўлжалланган. Бу қўрилиш совхоз комсомоллари ҳашар йўли билан ишдан бўш вақтларида буювд этишга келишишган. М. ДОКТОРОВ.

ТЕКИН ТЕШИВ ЧИҚАДИ

МАККОРНИНГ ҳийласи қирғ тугага юк бўлади, деган нақлни кўп айтишгансиз. Энди гап бундай. Ҳўзир хош шаҳар, хош қишлоқларимизда бўйсиз илгаригидек қўнла кўтариб юрадиган бекорчи ноқўнлар йўқ. У ҳолда орамизда учраб турганидан фибрибгару-найм б о з л а р ҳийласини ким кўтарарди? Ҳа нафис-ю, ҳўзур-халоватидан бўлсан узоқни кўролмайдиган лақмалар бор экан, фибрибгарларнинг ҳийласи ҳам ерда қолмайди. Ана, тирноғидан тортиб, сочининг толасига ҳийла-ю, наймга ёғилиб турган «фаришта» фибрибгар саллона қадам ташлаб ўз миқозлари томон келаяпти. Чимирилган нозик қўнларни, кўрт ўрмалаган калон димоғи сизга осмондан ойни узиб олиб беришга қодир аллақандай вазоҳатини эслатади. Ҳа кушандалари йўлга кўз тикиб, илҳақ бўлиб ўтирган лақмалар эса бунни қаранг, гўё сеҳрлангандек, бири эммаклар, бири супургидек эғилиб ёлбора кетишди: «Сиз ишонган тоғимиз, бормизни сизга олиб келдик, марҳаматингизни биздан даригутманг!» Шу пайт Умар Шарипов исмли кимса дўстлари кўзини шамғалат қилиб, улар орасида сирғалиб чиқди-да, фаришта тусли «хоним» оёғига тиз чўқди: — Опажон, етса молим, етмас экан. Мана бу ҳўзирча беш минг сўм пулим. Менга беш хоналикдан бўлсин, йўқ деманг... — Э, нари тур... деди димоғдор аёл ундан иккириганиб... қанақа маданиятсиз шикимсан, хумга қамалиб қолган арига ўхшаб ҳадеб тўнғиллайверасанми. Пулинг етмас экан, нима қиласан мени овра қилиб. Нима, бекорга мушук офтобга чиқмаслигини шу пайтагача эшитмаганмисан? Юракни ҳовучлаб бу можарони кўзатиб турган бошқа кишилар рақибларини чечка-чечкадан чўқилаб, даврдан суриб чиқариб юборишди. — Урқоқлар, — дея хитоб қилди шунда бир қўлни белига тираб, уларнинг устидан кулиб турган фибрибгар,

— мен кимман, биласизларми, мен кўчада сангиб юрган учма-мучча бекорчи аёл эмасман. Мен «горисполком»нинг масўл ходимиман. Айтганим айтган, детални деган. Пул бўлса, лавартира экан-у, бугун шаҳарни олам-полами билан олиб бериш ҳам қўлимдан келади. Пулингиз етмас, мени бекорга овра қилиб, вангитим олиб ўтирманг. Кимга неча хоналикдан керак бўлса, пулни бутлаб, шовқин-суронсиз, навбат билан келаверсин. Шундан кейин лақмалар худди музайиқоққа навбатга турган ёш болалардек чурғулашиб бир-бирларини турткилашиб сафта тизилиб олмишди. — Кимнинг навбати? Дурустгина кийинган, ўрта ёшлардаги аёл худди ха-

радан қандай тилсим эгалари улар? — Аслида М. Далажонова С. Раҳимов район I-қораканиси массиви 27-уй 79-қават тирада, Ф. Насриддинова бўлса Хондирар проездлиги 17-уйда яшайди. Бирини маълумоти ўрта, бирини олий. Ленин жамоатга фойдали бирор ерга ишлашмайди. Нафс балоси, текин-хўрлик, кингир йўл уларини бир-бири билан учраштириб қўйибди. Шундай экан, нега энди одамлар ғирт текинтомоқ, ишнинг тайини йўқ, дайди, тутуруқсиз, фибрибгарга шунчалар ишонч билдириб, 100 минг сўмдан ошқ пуллариини ўз қўллари билан топириб қўйишди? Ахир шунчалар ҳам гумуроқлик бўлади-ми? Йўқ, бу ерда яна бошқа гап бор. Наҳотки одамлар қонунга зид иш туттишганини билмишмаган бўлса?! Ахир квартира қўнроққоқ мағзинида сотиладиган ўйинчўр эмаски, кўчада сангиб юрган ҳар кимса уни харид қилиб ҳар кимга олиб бераверса!

ФЕЛЬЕТОН

экан. Менга ҳам квартирани каттароғидан тўриглаб берайсиз. — Топганингиз ҳақиқатан ҳам ҳалол экан, жойини топиб кетаяпти. Хўш, фамилиянгиз... — Фамилиямми, хах эсим қўрсин, фамилиям Носирова, исмиим Роҳат. — Роҳатой янги уйда роҳат қилиб яшасин, кўрпачани қалин қилиб тўшасин! — фибрибгар ҳингиллаб, навбат кўтиб турган лақмалардан бирини чиқарибди: — Следуйший... Ҳазини кўнларга кўтариб «горисполкомнинг» масўл ходими» деб овозга тарқатган Мавлуда Маҳмудовна Дадажонова ўз ҳамтовоғи Феруза Назаровна Насриддинова билан лақмалар чўнтагини шилиб, қўйини пўч ёнқоққа тўлдириб тураверсин, биз уларнинг юзидан икқобини олиб, аслида ким эканлигини таништирамиз. Мавлуда Маҳмудовна Дадажонова ва унинг гўмаштаси Феруза Назаровна Насриддинованинги ўзи ким? Кооператив уйи хўмдонда пишириб, сизга етказиб бер-

экан. Менга ҳам квартирани каттароғидан тўриглаб берайсиз. — Топганингиз ҳақиқатан ҳам ҳалол экан, жойини топиб кетаяпти. Хўш, фамилиянгиз... — Фамилиямми, хах эсим қўрсин, фамилиям Носирова, исмиим Роҳат. — Роҳатой янги уйда роҳат қилиб яшасин, кўрпачани қалин қилиб тўшасин! — фибрибгар ҳингиллаб, навбат кўтиб турган лақмалардан бирини чиқарибди: — Следуйший... Ҳазини кўнларга кўтариб «горисполкомнинг» масўл ходими» деб овозга тарқатган Мавлуда Маҳмудовна Дадажонова ўз ҳамтовоғи Феруза Назаровна Насриддинова билан лақмалар чўнтагини шилиб, қўйини пўч ёнқоққа тўлдириб тураверсин, биз уларнинг юзидан икқобини олиб, аслида ким эканлигини таништирамиз. Мавлуда Маҳмудовна Дадажонова ва унинг гўмаштаси Феруза Назаровна Насриддинованинги ўзи ким? Кооператив уйи хўмдонда пишириб, сизга етказиб бер-

экан. Менга ҳам квартирани каттароғидан тўриглаб берайсиз. — Топганингиз ҳақиқатан ҳам ҳалол экан, жойини топиб кетаяпти. Хўш, фамилиянгиз... — Фамилиямми, хах эсим қўрсин, фамилиям Носирова, исмиим Роҳат. — Роҳатой янги уйда роҳат қилиб яшасин, кўрпачани қалин қилиб тўшасин! — фибрибгар ҳингиллаб, навбат кўтиб турган лақмалардан бирини чиқарибди: — Следуйший... Ҳазини кўнларга кўтариб «горисполкомнинг» масўл ходими» деб овозга тарқатган Мавлуда Маҳмудовна Дадажонова ўз ҳамтовоғи Феруза Назаровна Насриддинова билан лақмалар чўнтагини шилиб, қўйини пўч ёнқоққа тўлдириб тураверсин, биз уларнинг юзидан икқобини олиб, аслида ким эканлигини таништирамиз. Мавлуда Маҳмудовна Дадажонова ва унинг гўмаштаси Феруза Назаровна Насриддинованинги ўзи ким? Кооператив уйи хўмдонда пишириб, сизга етказиб бер-

ҳар бир киши учун» 13.35 СССР халқ артисти, кинорежиссер И. А. Пирьев бадий фильмлари. «Вой кайлик» («Украинфильм»). 15.10 «Дунё воқеалари». 15.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Уругвай — Шотландия терма командалари. 2-тайм. 16.10 «Хўш ёрлик — ҳаёт нормаси». 16.40 «Мўъжизасиз» — мўъжизалар». 17.40 П. И. Чайковский номи VIII Халқаро конкурсида. 17.55 «АНГОЛА». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Эълон қилинган уруш илани («Экран»). 18.45 Телеомошабинларнинг саволларига академик В. Г. Афанасьев жавоб беради. 19.15 МТ экранда биринчи

марта. «Ваеса». Бадий фильм («Мосфильм»). 1. ва 2-сериялар. 21.30 «ВРЕМЯ». 22.05 «Нима? Наерда? Қачон?». Телевизион викторина. 23.30 «Давр ва ўзим ҳақида». Шерият антология. Я. Смельков. 23.45 Янгиликлар.

«АХВОРОТ». 8.50 Врач маслаҳати. 9.00 Москва. «ВРЕМЯ». 9.40 «Хўлмишдаги стадион». 10.20 «Буратно саргузашлари». Телевизион бадий фильм. 1-серия. 11.25 Киноредакция почтасидан». 12.10 Ширинзода. «Номус». Ҳамза номидаги Кўнун давлат музикали драма на комедия театрининг спектакли.

ТЕ БУГУН 9.00 «ВРЕМЯ». 9.45 «Нега ва нима учун». Болалар учун кўрсатуви. 10.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. ГФР — Дания терма командалари. Мексикадан олиб кўрсатилади. 11.50 Медицина ходимлари кўнига. «Здоровье». 12.35 «Одний — мураккаб ҳақиқатлар». Ота-оналар учун телевизион журнал. 13.05 «Ҳамма учун ва

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИЛ МАРКАЗИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИДА 14 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА халқ ижодиёти II-Бутуниттифоқ фестивалига бағишлаб АСКИЯЧИЛАР ВА ҚИЗИЧИЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНКУРСИ ГОЛИБЛАРИ ИШТИРОКИДА ХАЛҚ ИЖОДИЕТИ БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ ЯШИЛ ТЕАТРДА «КУЛИНГ ДЎСТЛАР, КУЛГУ УМРНИ УЗАЙТИРАДИ» АСКИЯ КЕЧАСИ ҚАТНАШАДИЛАР: Қўқондан: Н. Носиров, А. Ҳалилов, А. Маматхалилов. Андижондан: А. Қоқоқов, Х. Қодиров, Рўзибоев Ғулом. Тошкентдан: Султон Фозилхон, Зайниддин Махсум. Бунёд районидан: Дарвеш Мухиддин. Марғилондан: Юсуфов Мадами, Юсуфов Зайнобиддин, Ширев Мамасидди, Тешабево Хотам. Қаршидан: Тўраев Эгамберди. МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИДА Санъат усталари ва ижодкор ёшлар билан учрашув. Тошкент области ва Тошкент шаҳри бадий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишлари, ўзбек дорбозларининг нагатадор ўйинлари, ҳаваскор рассомларнинг ижодий кўргазмаси, кўнроққоқ театри спектакли. Байрамдан тушган маблағ Чернобыль фондига ўтказилади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР

ПРОКАТИ КОНТОРАСИ 16—22 ИЮНЬ КУНЛАРИ «ҲАММА УЧУН ОЧИҚ ЙУЛЛАР» шиори остида ТУРИСТИК-ЭКСПУРСИЯ МАВЗУИДАГИ ФИЛЬМЛАР ҲАФТАЛИГИНИ ЎТКАЗАДИ БЕКОБОД ШАҲРИ, «ЮБИЛЕЙНИИ» КИНОТЕАТРИДА 16—19 июнда — Тбилиси ҳақида қўнқ. 20—22 июнда — Киев, Тарих жўбонларини очганда. БҒКА ШАҲРИ, «ОКТАБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА 17—19 июнда — Энг Шимолий шаҳар. 20—22 июнда — Ленинград мотивлари. ЧИНОЗ ШАҲРИ, «ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА 19—21 июнда — Москва! Бу овозда қанчалар кўп маъно бор. 22—24 июнда — Отадор юриш маршрутлари бўйлаб. ЯНГИБОД ШАҲРИ, «ПОБЕДА» КИНОТЕАТРИДА 17—19 июнда — Совет Озарбайжон. 20—22 июнда — Бзынинг Барнаул. ЧИРЧИҚ ШАҲРИ, НАВОЙИ НОМИ КИНОТЕАТРИДА 16—19 июнда — Павловск ҳақида хотиралар. 20—22 июнда — Ассалом, Махачкала! ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲРИ, «БУСТОН» КИНОТЕАТРИДА 16—19 июнда — Братск. 20—22 июнда — Жон Ўзбекистоним. ҚИБРАЙ ШАҲРИ, «СОЮЗ» КИНОТЕАТРИДА 16—19 июнда — Тоғлар чорлайди. 20—22 июнда — Ҳақиқий гузаллигини ҳам яратамиз. АНГРЕН ШАҲРИ, «ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА 16—19 июнда — Орузулар трассаси. 20—22 июнда — Шаҳрсабаб. Ям-яшил шаҳар. ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ, «КОСМОС» КИНОТЕАТРИДА 16—19 июнда — Самарқанд осмонда юлдузлар. 20—22 июнда — Ростов Великий. ЯНГИБОЗОР ШАҲРИ «ОКТАБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА 16—19 июнда — Байкал. 20—22 июнда — Татар бўғози музикаларида. ЯНГИБОД ШАҲРИ «РАДУГА» КИНОТЕАТРИДА 16—19 июнда — Боку (СССР бўйлаб 10 минут). 20—22 июнда — Благоевщеск. НАРМАНОВ ШАҲРИ, «БОКУ» КИНОТЕАТРИДА 16—19 июнда — Первоуралск. 20—22 июнда — Новгород.

СОВҒАБОП МИЛЛИЙ БУЮМЛАР

Ипак, нозик, зар билан тикилган шўх гулли дўпчилар хотин-қизлар учун аталган. Оқ ипак билан қора ва мошрағ тусли сатинга тикилган дўпчиларни эркаклар севиб кийишади. ДЎШИП — сервўш Ўзбекистон ҳақида ёрқин хотирадан бири бўлиб қолувчи муносиб совғади. У ўзига ҳос енгил, қўлай таёрланган. Сиз универмаглар, совға буюмлари сотувчи магазинларда чиройли тикилган дўпчиларни таялаб оласиз.



«УЗМЕСТПРОС» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 76-4711). «СОЮЗОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКISTON РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / "Ташкентская правда" / БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32 Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масўл секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БҒЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; санаот, капитал қўрилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қўрилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; туғни навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727. Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масўл секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БҒЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; санаот, капитал қўрилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қўрилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; туғни навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.